

2133/7046 - عَنْ أَبْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّهُ كَانَ يُحَدِّثُ: أَنَّ رَجُلًا أَتَى رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: إِنِّي رَأَيْتُ الْيَةً فِي الْمَنَامِ ظُلْلَةً تُنْطِفُ السَّمْنَ وَالْعَسْلَ، فَأَرَى النَّاسَ يَتَكَفَّفُونَ مِنْهَا، فَالْمُسْتَكْثِرُ وَالْمُسْتَقْلُ، وَإِذَا سَبَبَ وَاصِلٌ مِنَ الْأَرْضِ إِلَى السَّمَاءِ، فَأَرَاكَ أَحَدَتِ بِهِ فَعَوْتَ، ثُمَّ أَحَدَتِ بِهِ رَجُلٌ آخَرُ فَعَالَ بِهِ، ثُمَّ أَحَدَتِ بِهِ رَجُلٌ آخَرُ فَانْقَطَعَ ثُمَّ وُصِلَّ. فَقَالَ أَبُو بَكْرٍ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، يَا أَنْتَ، وَاللَّهُ لَتَدْعَنِي فَأَعْبُرُهَا، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «اعْبُرْ». قَالَ: أَمَّا الظُّلْلَةُ فِي إِسْلَامٍ، وَأَمَّا الَّذِي يُنْطِفُ مِنَ الْعَسْلِ وَالسَّمْنِ فَالْقُرْآنُ، حَلَاؤْتُهُ تُنْطِفُ، فَالْمُسْتَكْثِرُ مِنَ الْقُرْآنِ وَالْمُسْتَقْلُ، وَأَمَّا السَّبَبُ الْوَاصِلُ مِنَ السَّمَاءِ إِلَى الْأَرْضِ فَالْحُكْمُ الَّذِي أَنْتَ عَلَيْهِ، تَأْخُذُ بِهِ فَيَعْلِيَكَ اللَّهُ، ثُمَّ يَأْخُذُ بِهِ رَجُلٌ مِنْ بَعْدِكَ فَيَعْلُوْ بِهِ، ثُمَّ يَأْخُذُ رَجُلٌ آخَرُ فَيَعْلُوْ بِهِ، ثُمَّ يَأْخُذُهُ رَجُلٌ آخَرُ فَيَنْقَطِعُ بِهِ، ثُمَّ يُوَصَّلُ لَهُ فَيَعْلُوْ بِهِ، فَأَخْبِرْنِي يَا رَسُولَ اللَّهِ، يَا أَنْتَ، أَصَبَّتُ أَمْ أَخْطَأْتُ؟ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَصَبَّتْ بَعْضًا وَأَخْطَأْتَ بَعْضًا». قَالَ: فَوَاللَّهِ لَتُحَدِّثُنِي بِالَّذِي أَخْطَأْتُ، قَالَ: «لَا تَنْفِسْ».

2133.7046. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо шундай сўзлаб берар эди:

«Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, шундай деди: «Бу кеча тушимда сариёғ ва асал томчиладётган бир булутни кўрдим. Одамлар ундан кафтларига олишаётган экан. Кўп олаётгани ҳам, кам олаётгани ҳам бор эди. Қарасам, ердан осмонга туташган бир чилвир. Сизнинг уни ушлаб, кўтарилиганингизни кўрдим. Сўнг уни бошқа бир киши ушлади-да, у билан кўтарилиди. Кейин уни бошқа бир одам ушлади-да, у билан кўтарилиди. Сўнг уни бошқа бир киши ушлаган эди, у узилиб кетди. Кейин эса яна уланди». Шунда Абу Бакр: «Эй Аллоҳнинг Расули, отам сизга фидо бўлсин, Аллоҳга қасамки, менга қўйиб берасиз, уни мен таъбир қиласман», деди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Таъбир қил-чи!» дедилар. У шундай деди: «Булут - Ислом, томаётган асал билан сариёғ -

Куръон, унинг ҳаловати томиб туриди. Куръондан кўп баҳра олаётган ҳам, кам баҳра олаётганлар ҳам бор. Осмондан ерга туташган чилвир эса сиз турган ҳақдир. Сиз уни ушлаб турибсиз, Аллоҳ эса сизни юксалтироқда. Сўнг уни сиздан кейин бир киши ушлайди-да, у билан кўтарилади. Кейин уни бошқа бир киши ҳам ушлайди-да, у ҳам у билан кўтарилади. Сўнгра уни бошқа бир киши ушлаб, уни узиб юборади. Кейин уни унга улаб беришади ва у ҳам у билан кўтарилади. Эй Аллоҳнинг Расули, отам сизга фидо бўлсин! Айтинг-чи, тўғри топдимми ёки хато қилдимми?» Набий соллаллоҳу алайҳи вассаллам: «Баъзисини тўғри топдинг, баъзисини хато айтдинг», дедилар. У: «Аллоҳга қасамки, хато айтганимни айтиб берасиз!» деган эди, у зот: «Қасам ичма!» дедилар».

Манба: hadis.islom.uz

